



“Сув таъминоти ва оқава сув
объектлари курилиши бўйича
инжиниринг компанияси” УК
Фаргона вилоят худудий
бошкармаси бошлиғи
Р.Холикназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Марғилон шаҳар Терак таги МФЙ М.Турғунбоева кўчасида яшовчи 3500 нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Уланиш нуктаси.1 Бобур МФЙ М.Турғунбоев кўча худудидаги мавжуд калодец дан (кувур материали- чугун, азбец) бўлган диаметри Ø150 атмосфера босими 0,3 АТМ кувурдан лойиха ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан узунлиги 1,5 км бўлган диаметри Ø100 ммли ичимлик сув қузури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув

объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ
Марғилон шаҳар бўлими бош муҳандиси:

И.Газиёв

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ
Марғилон шаҳар бўлими ИЧБ муҳандиси:

А.Юсуфалиев





“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Марғилон шаҳар бўлими бошлиғи
У.Джўраев

Нуксон далолатномаси
(дефектный акт)

Биз қуйида имзо чекиб далолатнома тузувчилар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Марғилон шаҳар бўлими бош мухандиси И.Газиёв, ИЧБ мухандиси А.Юсуфалиев, сув таъминоти бўлими бошлиғи А.Муқимжоновлар Марғилон шаҳар Терак таги МФЙ М.Турғунбоева, кўчани ичимлик сув тармоғини янгилаш учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши тавсия этилади.

Терак таги МФЙ М.Турғунбоева кўчаси					
№	Бажариладиган иш	Ўл.бирлиги	Сони	Маркаси	Изох
1	Ичимлик сув тармоғи тортиш	Метр	1500	Д-100	
2	Ичимлик сув кудук (калодец)	Дона	30	Д-1500	

Бош мухандис:

И.Газиёв

ИЧБ мухандиси:

А.Юсуфалиев

Сув таъминоти бошлиғи:

А.Муқимжонов